

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.04.2021.F.76.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ АКМАЛ НАСРИДДИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Абдуллаев Акмал Насриддинович

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда исломий
қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти 3

Абдуллаев Акмал Насриддинович

Место и значение исламских ценностей в развитии гражданского общества
в Узбекистане 25

Abdullaev Akmal Nasriddinovich

The place and significance of Islamic values in the development of civil society
in Uzbekistan 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.04.2021.F.76.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ АКМАЛ НАСРИДДИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Fal209 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.namdu.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Норқўзиёв Содиқжон Хақимович
Фалсафа фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Исмоилов Махамадихон Исроилович
Фалсафа фанлари доктори, профессор

Артиқов Тўланбой Артиқович
Фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.04.2021.F.76.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «30» 03 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (413 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869)227-29-81)

Диссертация автореферати 2022 йил «24» 03 куни тарқатилди.
(2022 йил «24» 03 даги 3 рақамли реестр баённомаси).



Р.Т.Жураев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., доцент

Қ.О.Маҳкамов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, PhD, доцент

А.М.Мирзахмедов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида кескин ўзгаришлар шиддат билан амалга ошаётган ҳозирги шароитда, фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган жараёнлар ижтимоий-фалсафий соҳада баъзи муаммоларни ҳал этиш заруратини тобора оширмоқда. Жумладан, замонавий фуқаролик жамияти нафақат жамиятдаги ахлоқий муносабатларни балки, ҳар бир инсон феъл-атворини ахлоқ меъёрларига мослаштириш, исломий қадриятларни замонга мос тарзда ривожлантиришни тақозо этмоқда. Дунё олимлари ва сиёсатдонларини ўйлантираётган муаммолар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, унинг ҳаётий орзу-умидлари ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институтлар, турли ижтимоий гуруҳ ва ижтимоий қатламлар, оила, маҳалла ва бошқа жамоат бирлашмалари орқали амалга оширилишини таъминлаш каби муаммоларни ҳал этишни талаб этмоқда.

Дунёнинг нуфузли илмий тадқиқот институтларида фуқаролик жамияти феноменини ўрганиш борасида илмий-назарий, амалий ва илмий-концептуал жиҳатдан изланишлар олиб борилмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари инсонларга унинг жамиятда ҳокимиятнинг манбаи эканлигини, ҳуқуқ ва эркинликлари, қобилияти ва истеъдоди, мақоми юксак қадрият эканини англашга шароит туғдирмоқда. Фуқаролик жамиятининг тараққиёт даражасини аниқлаш зарурати ўзига хос назарий ва эмпирик тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида замонавий мамлакатлар тимсолида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг ривожланиш даражасини аниқловчи кўплаб мезон – кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, уларда миллий, умуминсоний ва диний қадриятларнинг ўрнини белгилаш долзарблашиб бормоқда.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш, уни диний қадриятлар билан уйғунликда ривожлантириб бориш бугунги куннинг устувор масаласидир. Исломий қадриятлар билан узвий ҳолда фуқаролик жамиятининг юксалтирилиш халқимизнинг ижтимоий, маънавий, иқтисодий эҳтиёжларини қондирилиш, миллий маданиятимиз софлигини сақлаш ва ворисийликни таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш назарий ҳамда амалий аҳамиятга моликдир. «Ислом дини ҳар қандай зўравонликка, бузғунчиликка, бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкишга мутлақо қарши эканини оят ва ҳадислар асосида, жонли мисоллар ёрдамида таъсирчан етказиб бериш»¹ вазифаси қўйилган. Бу борада фуқаролик жамиятини ривожлантиришни диний қадриятлар билан уйғунликда ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

¹ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1 – том 2017. – Б. 485.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»², 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»³, 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”⁴ ги фармонлари, 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2851-сон «Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁵, 2005 йил 23 июндаги ПҚ-107-сон «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2008 йил 3 июлдаги 842-І-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги кўшма Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Фуқаролик жамияти»нинг тарихий ва назарий асосларини шакллантиришда қадимги Грек ва Рим файласуфлари Аристотел, Цицерон каби файласуфлар тамал тошини қўйганлар⁶.

Ўрта аср Шарқнинг буюк мутафаккирлари ўз асарларида фуқаролик жамиятини барпо этиш ғояси ҳамда маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий омилларининг ривожлантиришга аҳамият қаратишган. Хусусан, фуқаролик жамиятининг ўзига хос шарқона илдизлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий каби буюк мутафаккирлар асарларида ўзига хос

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тўғрисида» ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2017. № 6. – Б.29.

³ Наманган хақиқати. 2018 йил 18 апрель.

⁴ <https://lex.uz/docs/5319756> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”⁴ ги ПФ-6181 сонли Фармони

⁵ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2017. № 13. – Б. 70.

⁶ Қаранг Аристотель. Политика. Серия: Эксклюзивная классика. – Москва: АСТ. 2017. – С.384; Цицерон М. Т. Диалоги: О государстве. О законах / Изд. подгот. И. Н. Веселовский и др. – Москва: Ладомир: Наука, 1994. – С.222.

талқин этилганини кўриш мумки⁷. Жумладан, Абу Наср Форобий «Фуқарони қонунлар ҳаққонийлигига ишонтириш учун уларга ўхшаш мисолларни ўрганиб чиқиш зарур»⁸, - деган, Абу Райҳон Беруний эса жамиятни бошқариш масаласига тўхталиб, «идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бировларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдан иборатдир»⁹, – деб ёзади. Абу Али ибн Сино фуқаролик жамияти ҳақида қуйидаги фикр-мулоҳазани билдириб ўтган: «Ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бир-бирларини қандайдир муҳтожликдан холи этадилар. Бунинг учун инсонлар ўртасида ўзаро келишув зарур бўлиб, бу келишув туфайли адолат қонун ва қоидалар ўрнатилади. Қонуншунос эса бу қоидаларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият тусини беради. Шунингдек, у ёмон ишларни қилувчиларга ҳам, яхши ишларни рўёбга чиқарувчиларга ҳам баҳо бериши зарур. Бунинг учун олий қонуншунос ва қозини тан олиш зарурки, инсонлар ўз фаолиятларида уларнинг ҳукмларидан фойдалансинлар»¹⁰.

Фуқаролик жамиятининг ғоявий-мафкуравий жиҳатлари асосан XVII-XIX асрлар оралиғида кенг миқёсда шаклланди. Шарль Луи Монтескье фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини ёритиб берган¹¹. Монтескье фуқаролик жамиятини ҳокимиятнинг уч тармоғи билан боғлиқ жиҳатлари ва унинг жамоатчилик назорати тизими ҳамда рационал балансига алоҳида эътибор қаратган.

Шунингдек, фуқаролик жамияти концепциясининг ишлаб чиқилишида немис ҳуқуқшунослари Георг Еллинек ва Лоренц фон Штейнларнинг фаолиятлари алоҳида қайд этилади¹². XX асрда фуқаролик жамияти ҳақидаги қарашлар ҳуқуқий позитивистлар – Ганс Кельзен, Раймон Карре де Мальберг ва бошқа олимлар томонидан такомиллаштириб борилди¹³. Мазкур қарашларда барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ифода этилишига катта эътибор берилган.

Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлили Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари мутахассис олимлари О.В.Курачев,

⁷ Ушбу муаллифлар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» да берилган.

⁸ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.19.

⁹ Бируни Абу Райхан. Канон Масуда. Соч. I-V //Избранные произведения. Т. V. – Т.: Фан, 1973. – С.74.

¹⁰ Қаранг: Быховский Б. Э., Философское наследие Ибн-Сины // Вопросы философии.1955. №5. –С.139.

¹¹ Қаранг: Монтескье Шарль Луи. Персидские письма. Размышления о причинах величия и падения римлян. – Москва: Канон-пресс-Ц, 2002. – С.512.

¹² Еллинек Г. Декларация прав человека и гражданина: Всеобщая декларация прав человека и гражданина. Конвенция прав человека и основных свобод. Антология европейской юридической мысли. Одесса. Юридична литература. 2006. – 136 с.; Norbert Waszek: Lorenz von Stein. Propagateur du droit français en Allemagne; „ambassadeur“ officieux de la recherche juridique allemande en France. In: Jean-François Kervégan, Heinz Mohnhaupt (Hrsg.): Wechselseitige Beeinflussungen und Rezeptionen von Recht und Philosophie in Deutschland und Frankreich. (Ius commune/Sonderband; 144). Vittorio Klostermann, Frankfurt/M. 2001, ISBN 3-465-03169-5, S. 379–403.

¹³ Кельзен Г. Чистое учение о праве и аналитическая юриспруденция. Перев. с англ. А.А. Краевского // Российский ежегодник теории права. № 2. 2009. СПб., 2011. С. 432-453.; Guillaume Bacot, Carré de Malberg et l'origine de la distinction entre souveraineté du peuple et souveraineté nationale (thèse de doctorat en droit remaniée), Paris, CNRS Éditions, 2001, 200 p.

С.В.Сиражудинова, С.Ю.Дианина, А.С.Антипова, Н.Д. Назиров ва А.А. Туманов каби олимларнинг илмий тадқиқотлари фуқаролик жамияти шаклланишининг асослари, қонун ва эркинлик тушунчалари, исломий қадриятлар ва жамият уйғунлиги масалалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган¹⁴.

Мустақиллик даврида диний қадриятларнинг ривожланиш хусусиятлари, тарихий тараққиёт қонуниятлари, айниқса, исломий қадриятларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ҳақидаги қарашлар Қ.Назаровнинг илмий ишларида кенг ёритиб берилган¹⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этишга оид фундаментал аҳамиятга оид фикрлар, ғояларнинг янги босқичини бошлаб берган асарлари¹⁶ мазкур тадқиқотга назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари А. Агзамходжаев, А.Азизхўжаев, Ҳ. Бобоев, У.Таджиханов, А.Саидов, З.Исломов, Ф.Муҳитдиновлар тадқиқотларида, ижтимоий ва миллий-мафкуравий тадқиқи эса, Ф.Ҳ.Рахимов, Д. З.Дехканова, И.Р.Хўжамуродов, Ю.М.Якубов, Ш.Мадаева, Ш.Тўраев, Н.Н.Ҳасановлар ишларида, фалсафий-ҳуқуқий муаммо сифатида Ш.Мамадалиев, Ф.Мусаев, К.Джавакова А.М.Мирзахмедовлар илмий ишларида тадқиқ этилган, исломшунос олимлар З.И. Мунавваров, А.Ҳасанов, У.Уватов, А.Жузжоний, А.Азимов, О.С.Кароматов, З.М.Хусниддинов, Ш.Ғойибназаров, А. Закурлаев, С.Абдуллаев, Р.Обидов, Б.Ҳасанов, А.К.Каримов, С.Ғ.Кароматов, Ф.А.Мамадалиева¹⁷ лар илмий тадқиқотларида жамият тараққиётида исломий қадриятлар тизимининг ўзига хос фалсафий жиҳатлари очиб берилган.

Диссертация мавзуси бўйича адабиётлар таҳлилидан кўринадики, фуқаролик жамияти, унинг структураси, генезиси, уни шакллантириш ва ўрганиш муаммолари хорижда бирмунча мукамал амалга оширилган. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда исломий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти мавзусига оид илмий мақолалар, бир қатор адабиётлар ёзилган бўлса-да, алоҳида монографик тадқиқот объекти бўлмаган. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда фуқаролик жамиятини

¹⁴ Ушбу муаллифлар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» да берилган.

¹⁵ Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). – Тошкент, Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004. –Б.85.

¹⁶ Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.56.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.48.; Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.104.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.488.

¹⁷ Ушбу муаллифлар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» да берилган.

ривожлантиришда исломий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти фалсафий жиҳатдан тизимли таҳлил қилиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистонда миллий демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари (2017-2030 йиллар)» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда исломий қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дин институти фаолиятининг бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан боғлиқлик жиҳатларини тадқиқ этиш ва бу жараёнда диний омилнинг ўрни ва ролини ўрганиш;

диний қадриятларнинг фуқаролик жамияти тараққиётида тутган ўрни, унинг бевосита фуқаролик жамияти қадриятлари билан уйғунлашуви, фуқаролик жамиятининг муҳим омили сифатидаги жамоатчилик назорати, фуқароларнинг ижтимоий маданий фаоллашувига самарали таъсир кўрсатишни методологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

илмий тадқиқот жараёнида маънавий-маърифий ва диний-фалсафий йўналишга алоҳида эътибор қаратиш орқали диний қадриятларнинг фуқаролик жамияти қонунлари билан уйғунлашиши, диний эътиқоднинг эркинлик билан муносабатини ўрганиш, унинг жамоат ташкилотлари ва сиёсий ташкилотлар билан ўзaro муносабатини очиқ бериш;

халқимизнинг миллий қадриятлари, анъаналари ва менталитетининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда «Давлат ва дин», «Давлат ва фуқаролик позицияси», «давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлиги»га боғлиқ жиҳатларига доир хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари ҳамда исломий қадриятларнинг таъсир этувчи омиллари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга таъсир этувчи исломий қадриятларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантикийлик каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожини, диний қадриятларнинг трансформацияси шароитида, диндорликнинг хусусий

(приват) ҳолатда шахс, унинг руҳияти ва дунёқарашида, оммавий ҳолатда жамият, ижтимоий онг ва ижтимоий руҳиятда намоён бўлиши исломий кадриятлар ва жамият уйғунлигининг маънавий-руҳий томондан прагматик индикатори эканлиги ижтимоий-фалсафий жиҳатдан асосланган;

диний кадриятларнинг ижтимоий ўзига хос институционал (коллегиаллик, жамоатчилик назорати, фуқаролик ташаббуси, ижтимоий шериклик, бирдамлик) хусусиятлари, фуқаролик жамиятининг ривожланишини таъминловчи механизмлар эканлиги исботланган;

маърифатли фуқаролик жамиятни барпо этишда диний кадриятларнинг эндотрансформацион (ички ўзгаришлар) ва экзотрансформацион (ташқи ўзгаришлар), социокреатив (кумулятив, аксиологик, акмеологик) қонуниятлари жамият яхлитлигини мустаҳкамлаш ва инсон эркинлигининг кафолати эканлиги очиб берилган;

ўзбек халқи менталитетининг руҳий-маънавий кадрият, анъаналарининг аксиологик практикаси консерватив ва либераллик тамойилларида «Давлат ва дин»га боғлиқ шариат ва бағрикенглик, «Давлат ва фуқаролик позицияси»га боғлиқ тенглик ва жамоавийлик, «Давлат ва фуқаролик муносабатларида ислом дини»га боғлиқ инсоннинг олий кадрият, эканлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий ва умуминсоний моделлари, ижтимоий-маданий ҳамда диний-ахлоқий механизмлари очиб берилган;

фуқаролик жамиятини ривожлантиришда исломий кадриятларнинг ўрни ва аҳамиятини самарали ташкил этишга оид бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда исломий кадриятларни юксалтириш тизимини такомиллаштириш борасидаги стратегик ислохотларни ижтимоий-фалсафий тадқиқ этишда фойдаланиш, диссертацияда баён этилган хулосалар ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун муайян назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда ўз аксини топган назарий хулосалар ва умумлашмалар, конкрет амалий таклиф-тавсиялардан Республика Маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, фуқаролик йиғинлари, «Диний ташкилотлар», «Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги» фаолиятида, шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим

муассасаларида ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишда, талабалар учун уюштирилаётган мулоқот, давра суҳбатларида ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда ҳамда турли маънавий-маърифий дастурларни такомиллаштиришга қаратилган мақсадли лойиҳалар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда исломий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти тадқиқоти бўйича олинган натижалар асосида:

фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожини, диний қадриятларнинг трансформацияси шароитида, диндорликнинг хусусий (приват) ҳолатда шахс, унинг руҳияти ва дунёқарашида, оммавий ҳолатда жамият, ижтимоий онг ва ижтимоий руҳиятда намоён бўлиши исломий қадриятлар ва жамият уйғунлигининг маънавий-руҳий томондан прагматик индикатори эканлиги ижтимоий-фалсафий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарор дастурининг II боб «Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот тадбирлари» 7-банди «Жамиятда фаол фуқаролик позициясининг шаклланиши ҳолати, турли соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг аҳоли турмуш тарзига таъсирини ўрганиш мақсадида социологик тадқиқотлар ўтказиш ва натижалари асосида таҳлилий материаллар тайёрлаш» ҳамда 2019-2020 йиллардаги Республика Маънавият ва маърифат маркази Наманган вилояти бўлимининг бир қатор тарғибот дастурларини амалга оширишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 23 августдаги 03/08-1006-сон маълумотномаси). Натижада фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожини, диний қадриятларнинг трансформацияси шароитида, диндорликнинг хусусий (приват) ҳолатда шахс, унинг руҳияти ва дунёқарашида, оммавий ҳолатда жамият, ижтимоий онг ва ижтимоий руҳиятда намоён бўлиши исломий қадриятлар ва жамият уйғунлигининг маънавий-руҳий томондан прагматик индикатори эканлигини очиқ беришга хизмат қилган;

диний қадриятларнинг ижтимоий ўзига хос институционал (коллегиаллик, жамоатчилик назорати, фуқаролик ташаббуси, ижтимоий шериклик, бирдамлик) хусусиятлари, фуқаролик жамиятининг ривожланишини таъминловчи механизмлар эканлигига доир таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарор дастурининг «Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида динлараро

бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзоро меҳр-оқибат мухитини мустаҳкамлашга доир тадбирлар» номли VII боби 31-банди «Биз маърифатли ислом тарафдоримиз!» шиори остида маънавий-маърифий тарғибот тадбирларини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2021 йил 15 сентябрдаги 03 – 03/5593 – сон маълумотномаси) Натижада, диний қадриятларнинг ижтимоий ўзига хос институционал (коллегиаллик, жамоатчилик назорати, фуқаролик ташаббуси, ижтимоий шериклик, бирдамлик) хусусиятлари, фуқаролик жамияти ривожига, жамоатчилик назоратининг кучайишига, фуқароларни ижтимоий-маданий фаоллашувига самарали таъсир кўрсатиш ҳамда жамоат ташкилотлари ва давлат хокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

маърифатли фуқаролик жамиятни барпо этишда диний қадриятларнинг эндотрансформацион (ички ўзгаришлар) ва экзотрансформацион (ташқи ўзгаришлар), социокреатив (кумулятив, аксиологик, акмеологик) қонуниятлари жамият яхлитлигини мустаҳкамлаш ва инсон эркинлигининг кафолати эканлиги очиб берилган хулоса ва таклифларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019-2020 йилларга мўлжалланган бир қатор тарғибот дастурларини амалга оширишда фойдаланилган. Жумладан, Республика Маънавият ва маърифат маркази Наманган вилояти бўлимининг 2020 йил 13 февралдаги «Фуқаролик жамиятининг сиёсий, ҳуқуқий ва диний институтлари» мавзусида ўтказилган тарғибот дастури ишларини амалга оширишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 23 августдаги 03/08-1006-сон маълумотномаси). Натижада фуқароларнинг ижтимоий-маданий фаоллашувига самарали таъсир кўрсатишининг ккумулятив, аксиологик, акмеологик, интеллектуал ташаббус, социокреатив қонуният, эндотрансформацион (ички ўзгариш ва янгиланишлар) ва экзотрансформацион (ташқи ўзгариш ва янгиланишлар) ўзгаришларга хизмат қилган;

ўзбек халқи менталитетининг руҳий-маънавий қадрият, анъаналарининг аксиологик практикаси консерватив ва либераллик тамойилларида «Давлат ва дин»га боғлиқ шариат ва бағрикенглик, «Давлат ва фуқаролик позицияси»га боғлиқ тенглик ва жамоавийлик, «Давлат ва фуқаролик муносабатларида ислом дини»га боғлиқ инсоннинг олий қадрият, эканлиги далилланган хулосаларидан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига бўлиб ўтган сайловлардаги сайловолди дастурининг «Тарихан шаклланган маданий қадриятлар ва анъаналарнинг асл мазмуни ҳамда аҳамиятига доир тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш» бандини ишлаб чиқишда фойдаланилди. (Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2021 йил 18 майдаги 1-220-сон маълумотномаси). Натижада, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг

«давлат ва дин», «давлат ва фуқаролик позицияси», «давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлиги» га доир тарғибот ишлари самарадорлигини амалга оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (6 та Республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ»** деб номланган биринчи бобида фуқаролик жамияти тушунчасининг мазмун-моҳияти ва уни ўрганишга доир концептуал қарашлар таҳлили, фуқаролик жамияти тузулмаси, моделлари ва ўзига хос хусусиятларининг таркибий-функционал боғлиқлиги ҳамда ривожланган давлатларнинг фуқаролик жамиятини барпо этиш тажрибасининг ўзига хос жиҳатлари назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этилган.

Фуқаролик жамияти бу биринчидан хусусий ва умумий манфаатлар бирлаштирилган жамият бўлса, иккинчидан фуқаролик жамияти давлат билан шерикликка эришган, давлатни ўз назорати остига олишга қодир бўлган, унинг аъзолари ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга йўналтирилган ҳамда бутун жамият хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлган жамиятдир. Учинчидан, фуқаролик жамияти нафақат давлатни, балки мамлакат бойлигини ҳам бошқарадиган жамият, давлат ва иқтисодиёт ўртасида ривожланган шерикликларга эга жамият ҳисобланади. Умуман олганда, фуқаролик жамияти ўзини ўзи ташкил этувчи нодавлат муносабатларнинг бошланиши ва концентрацияси сифатида тавсифланади.

Фуқаролик жамияти тушунчаси жаҳон сиёсий тафаккурининг ривожланиши жараёнида шаклланган бўлиб, бу ҳақдаги дастлабки ижтимоий-фалсафий ғоялар Н.Макиавелли, Т.Гоббс ва Ж.Локклар томонидан илгари сурилган. Табиий ҳуқуқ ғояси ҳамда фуқароларнинг мавқеи ва ўзаро ахлоқий тенглиги модели, шунингдек, ўзаро ҳамжиҳатликка эришишни назорат қилиш усули сифатида ижтимоий шартнома, фуқаролик жамиятининг замонавий тушунчасининг асосини ташкил этади¹⁸.

Бугунги кунда ғарбнинг ижтимоий назариялари бир қатор эмпирик хусусиятларга эга бўлиб, уларсиз жамият барқарорлигини таъминлаш мумкин эмас. Барқарор жамият концепцияси фуқаролик жамияти ғоясига асосланади ва ўз чегараларини янада кенгайтиради. Барқарор жамият инсониятнинг ижтимоий соҳадаги ютуқларини таҳлил қилиш ва уларни эмпирик умумлаштириш даражасида концепциялашнинг назарий воситасидир. Фуқаролик жамиятини ажралиб бўлмайдиган хусусиятларга қуйидагилар киради: эркинлик ва инсон ҳуқуқлари, инсоннинг эркинликда масъулиятли бўлиши, эркинлик учун курашиш қобилияти, ўз-ўзини англаш, ўз режаларини амалга ошириш, ижтимоий мақсадларни белгилаш; минимал ижтимоий ва табиий имтиёзларга эришиш; ижтимоий буюртманинг мавжудлиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Фуқаролик жамиятида, фуқароларнинг ваколатлари алоҳида ажратилиб, бирлаштирилиб, уларни тан олиш ва таъминлаш учун «механизмлар» яратилади. Бундай ҳаракатлар билан фуқаролик жамияти давлатга қонун устуворлиги йўлида такомиллаштириш йўллари намойиш этади. Бундан ташқари, ушбу жараён яъни қонун устуворлигини фуқаролик жамияти ривожланишининг натижаси ва уни янада такомиллаштириш шарти деб ҳисоблаш мумкин.

Бундай мамлакатлар ҳаётининг сиёсий амалиёти фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатишга имкон беради:

1. Фуқароларнинг ваколатлари устуворлиги принципи;
2. Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш принципи;
3. Қонун ва қонун бирлиги принципи;
4. Ҳокимиятнинг турли тармоқлари фаолиятида ҳуқуқий тийиб туриш ва мувозанат тамойилининг амал қилиш принципи.

Фуқаролик жамияти назарияси ва амалиёти бўйича таниқли олим М.Қирғизбоевнинг фикрича: «Фуқаролик жамияти жамиятнинг энг юқори шакли ҳисобланиб,... инсон улуғворлигини юксакликка кўтаради, унинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги эркин фаолиятини таъминлайди»¹⁹. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамияти ва қонун устуворлиги

¹⁸ Сиражудинова С.В. Гражданское общество на постсоветском пространстве: концепты, модели, парадигмы Южнороссийское обозрение. Выпуск 90. – Москва: Ростов-на-Дону Социально-гуманитарные знания 2016. – С.230.

¹⁹ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 99.

бир-бирини мантиқий равишда қабул қилади, улар инсониятнинг ижобий ривожланишини таъминлаб, бирдамликда мавжуд бўлиши керак. Мамлакатимизга келсак, бизнинг фуқаролик жамиятимиз, юқорида айтиб ўтилганидек, шаклланиш босқичида, лекин у ҳам қонун устуворлиги, ҳам бутун жамиятнинг барча таркибий қисмлари ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ижобий ўзгаришга интилади.

Бизнингча фуқаролик жамияти - фуқаролар ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, иқтисодий ҳамда бошқа барча йўналишларда тўлиқ ва тенг иштирокига эга, инсон ўз ҳуқуқларини эркин намоён қила оладиган ҳамда давлат фаолиятини назорат қила олиш механизмларига эга бўлган кишилиқ жамиятидир.

Фуқаролик жамияти - бу мулкчилик ва иқтисодий фаолиятнинг турли шакллари мафкуравий қоидаларни тарғиб қилиш учун асос бўлган жамиятдир (фуқаролар ўз фикрларини эркин ифода этиши, турли уюшмалар, шу жумладан сиёсий уюшмалар тузиши, ўз ғояларини тарқатиши мумкин). Фуқаролик жамиятида маълум бир индивидуал ва жамоат (жамоавий) манфаати мавжуд бўлади. Бундай жамият ўз аъзоларининг ҳар бирига ғамхўрлик қилгани каби, шахс ҳам жамият манфаатларини ҳурмат қилади. Қолаверса, жаҳон диний эътиқодларида мавжуд урф-одатлар, кадриятларининг фуқаролик жамияти кадриятлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, шунингдек уларнинг мантиқий ва семантик интеграцияси асосида уйғунлаштирилган қиймат-меъёрий комплексни шакллантириш муаммосининг ечими ҳозирги пайтда тоқат қилмаслик каби салбий омилга дуч келган замонавий жамиятнинг яхлитлигини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, фуқаролик жамияти деганда ижтимоий - сиёсий ҳаётнинг мустақил қисми; инсоннинг сиёсий фаолияти шартларини қондириш ва амалга оширишни таъминлайдиган шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва бирлашмаларнинг турли эҳтиёжлари ва манфаатларини таъминлайдиган жамоат муносабатлари, давлат ва нодавлат тузилмалар мажмуи тушунилади.

Диссертациянинг **«ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ»** деб номланган иккинчи бобида глобаллашув жараёнида исломий кадриятлар ва уларни фуқаролик жамиятини ривожланишига таъсири янги тамойиллар асосида ўрганилиб, фуқаролик жамиятида миллий ва умуминсоний кадриятлар мувозанатини таъминлаш муаммолари ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда исломий бағрикенгликнинг намоён бўлиш хусусиятлари илмий асосланган.

Глобаллашув ва минтақалаштиришнинг замонавий жараёнлари нуқтаи назаридан исломни тан олувчи аҳолиси кўп бўлган мамлакатлар ва минтақаларнинг ривожланишидаги ислом омилининг ролини таҳлил қилиш дунё тараққиётининг умумий қонуниятларини ва ҳуқуқий давлатчилик, бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамияти каби кўрсаткичларни ҳисобга олишни тақозо этади. Шу билан бирга, бундай ривожланиш муаммоларини ҳал

қилиш нафақат тарихий ва маданий анъаналарга, балки давлат бошқарувининг маънавий ва кадрият мазмуни даражасига, унинг ўзи цивилизация билан қанчалик мос келишига боғлиқ. Ислон цивилизацияси ҳукмрон бўлганлиги билан алоҳида ажралиб турадиган мамлакатлар ва минтақалар бошқа цивилизацияларда ўхшашликларга эга бўлган бир қатор миллий ва умуминсоний кадриятлар асосини ўзида акс эттиради. Шу билан бирга, миллий ва умуминсоний кадриятлар тизимида концептуал ва терминологик, мазмунли ва мантиқий ва семантик хусусиятлар бўйича сезиларли фарқлар ҳам мавжуд. Баъзан айниқса, ташқи ўхшаш белгиларга келсак цивилизациялар ўртасидаги фарқларни ажратиш анча мураккаб ҳисобланади. Ушбу ҳолат ислон цивилизациясининг миллий ва умумбашарий кадриятларни ўзида акс эттирганлиги билан характерланади.

Ғарб жамиятларида демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқлари ахлоқий таназзул билан белгиланади. Бунинг ёрқин исботи сифатида америкалик таниқли сиёсатшунос Збигнев Бжезинскийнинг сўзлари келтирилган бўлиб, улар Америка демократияси ва унинг маданий институтлари ўртасидаги боғлиқликни таъкидлаб: «Америка оммавий маданиятининг ғайриоддий жозибаси асосида Америка демократияси ётади. ... Бу очиқ, ташаббускор ва юқори рақобатдош Америка демократик тизимларининг динамик маҳсулидир»²⁰. Шундай қилиб, демократлаштириш жараёни мафкуралаштирила бошланди ва шу сабабли ўз универсаллигини йўқотди. Ахир инсон эркинлиги ғояси ҳар қандай маданият ёки цивилизация маҳсули эмас, балки ҳар бир миллат ва элатлар учун умумий ғоядир. Авторитар режимлар бундан фойдаланиб, демократлаштиришни ўзига хос тарзда амалга оширадilar. Маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги зиддиятларни сунъий равишда демократлаштириш жараёнларига ўтказиш демократик идеалларга бўлган ишончни сусайтиради. Натижада кучли мафкуравий босим остида, давлатнинг ташвиқот машинаси таъсирида қолган оддий фуқаролар ёлғон ғоялар қурбонига айланишди. Ҳеч қандай демократик идеалларга тегишли бўлмаган сохта демократик режимлар пайдо бўлди. Умуминсоний демократик кадриятлар эмас, балки анъанавий кадриятлар бундай режимлар учун асос вазифасини бажаради.

Умуман олганда, фуқаролик жамияти ва ислоний кадриятлар трансформациялари жараёнларининг структураси, ва ижтимоий функциялари фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилган бўлиб, унда жамиятшунос олимлар томонидан фуқаролик жамияти ва ислоннинг уйғунлиги, ислон жамиятида фуқаролик жамиятини қуриш имкониятлари масаласини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ислонда фуқаролик жамияти ва демократияга яқин бўлган бир қатор принциплар мавжуд: кенгаш, ҳокимиятни сайлаш, ҳукмдорни назорат қилиш ва норозилик ҳуқуқи, сўз эркинлиги, жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш, хайрия, ҳуқуқ фуқароларнинг митинг ва

²⁰ Бжезинский З. «Выбор: Мировое господство или глобальное лидерство». – Москва: Международные отношения, 2007. – С. 231-232.

намойишларга, тенглик, адолат, эркинлик, ҳамкорлик, дин эркинлиги, сиёсий партиялар ва кўп партияли тизим, шахс ҳуқуқлари ва ижтимоий адолатни ҳимоя қилиш, мулк ҳуқуқи, ҳаракатланиш ва саёҳат эркинлиги - буларнинг барчаси бир марта Мадина конституциясида акс эттирилган. «Ислом миллионлаб одамларнинг дуёнқараши, яшаш тарзини белгилаб берадиган реал омилдир. Шу муносабат билан Ислом динининг сўз эркинлиги ва мусулмон мамлакатларида инсон ҳуқуқларини таъминлаши истиқболларига оид масалалар ўта қизиқарлидир.... Ислом эътиқодига кўра, шу икки манба мусулмонлар учун ҳам шахсий, ҳам жамоат ҳаётининг барча жабҳалари учун йўл кўрсатувчи ёруғ нурдир. Қуръони Каримда мусулмон жамиятидаги барча фуқаролар учун уларнинг ирқий, этник ёки конфессионал мансублигидан қатъи назар сўз эркинлиги таъминланади.

Фуқаролик жамияти инсон ҳаётининг барча (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий) соҳаларини қамраб олган шундай бир ижтимоий маконки, унда ҳар бир шахс ва жамоа аъзоларининг манфаатлари, қизиқишлари, хоҳиш-истаклари ҳисобга олинади ва ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмларини йўлга қўйиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди. Жумладан, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарурлиги, шунингдек, барча давлат органлари қошида жамоатчилик кенгашлари ташкил этиш таклиф этилди²¹. Чунки фуқаролик жамияти – давлатдан мустақил ва ундан холи муносабатлар ҳамда воситалар тизими бўлиб, у шахс ва жамоаларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий ҳаёт соҳаларидаги хусусий манфаат ва эҳтиёжларини амалга оширишга шароит яратади. Глобаллашув ва минтақалаштиришнинг замонавий жараёнлари нуқтаи назаридан исломни тан олувчи аҳолиси кўп бўлган мамлакатлар ва минтақаларнинг ривожланишидаги ислом омилнинг ролини таҳлил қилиш дунё тараққиётининг умумий қонуниятларини ва ҳуқуқий давлатчилик, бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамияти каби кўрсаткичларни ҳисобга олишни тақозо этади. Шу билан бирга, бундай ривожланиш муаммоларини ҳал қилиш нафақат тарихий ва маданий анъаналарга, балки давлат бошқарувининг маънавий ва қадрият мазмуни даражасига, унинг ўзи цивилизация билан қанчалик мос келишига боғлиқ.

Жамиятда диний бағрикенгликни турли диний ва конфессиявий гуруҳларнинг ўзаро билиши, қадриятлар тизимини ўзаро идрок этиш ва ўзаро ҳурмат қилиш орқали жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш жамиятдаги барқарорлик ва хавфсизликнинг асосидир. Жамият онги ва маданиятини шакллантирувчи турли хил диний ва конфессиявий тузилмалар гуруҳлари -

²¹ <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-22-12-2017>

таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар ўртасидаги муштараклик катта аҳамиятга эга ва бу нафақат диний бағрикенглик, балки жамоат бирдамлиги ва консолидацияси учун ҳам асосдир.

Исломий бағрикенглик манбалари жуда кўп бўлиб уларнинг энг муҳими, Макка ва Мадина сураларида бағрикенглик манбаларини ўрнатган, бутун инсониятга мурожаат қиладиган, ақлни ишонтирадиган, ҳисларни қондирадиган ва иродани рағбатлантирадиган Қуръони Каримдир.

Қолаверса, ҳар бир мусулмон одам шариат ва бағрикенгликка даъват қилишимиз асослари асосан Қуръондан келиб чиққанлигини таъкидлайди. Иккинчи муҳим манба бу Қуръонни тиниқлаштирган ва батафсил баён қилган Пайғамбар суннатидир.

Диний бағрикенглик ва миллий-ижтимоий бирдамлик ва фуқаролик жамиятини консолидацияси учун жиддий асосдир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 4 сентябрдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида, илм-маърифатли, интеллектуал баркамол авлод этиб тарбиялаш, унинг диний ва дунёвий қарашларини ривожлантириш устувор вазифа сифатида қўйилган²².

Фуқаролик жамияти ташкилотлари аҳолининг турли қатламларининг янги эҳтиёжларига жавоб бериш қобилиятини намоёиш этади ва унчалик қулай бўлмаган даврларда ўзининг барқарорлигини исботлайди.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришган йиллар давомида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришнинг қонунчилик базаси ишлаб чиқилиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти учун турли имкониятлар яратилди. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланган касаба уюшмалари, жамоат кенгашлари, жамғарма ва бирлашмалар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилаётгани, йирик миқдорда давлат буюртма ва грантлари ажратилиши ва бошқа масалалар бунинг ёрқин далилидир. Шу боис давлатимизнинг мутаносиб сиёсати ўзига хос фуқаролик жамиятини шакллантиришда устувор аҳамият касб этмоқда. Айниқса, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари сонининг ортиб бораётгани фуқаролик жамияти ривожини, фаол фуқаролар сони ортиб бораётганининг кўрсаткичларидан биридир. Бу ҳокимият ва жамият ўртасидаги мулоқотни фаоллаштиради.

Диссертациянинг «**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ**» деб номланган учинчи бобида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва исломий кадриятларни юксалтириш соҳасидаги ислохотларнинг ўзаро алоқадорлиги ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда исломий кадриятлар модернизацияси ва фуқаролик

²² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2019. № 37. – Б. 679.

жамиятини ривожлантиришда исломий таълим ва тарбия жараёнининг узвийлигини таъминлаш зарурати таҳлил этилган.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги тизими қуйидаги даражаларни ўз ичига олади: мамлакатнинг давлати ва маданий суверенитетини таъминлайдиган; жамоат хавфсизлиги - фуқароларнинг цивилизациявий ва миллий ўзига хослигини сақлаш; диний маданият ва жамиятнинг фуқаролик институтларининг ўзига хослигини. Хавфсизлик тизимини амалга оширишнинг ушбу ташқи томонлари асосий мақсад - шахснинг маънавий хавфсизлигига бўйсундирилган.

